



08.08.2019



Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида Ҳукумат қарори қабул қилинди (ВМҚ 651-сон қарори, 2019 йил 7 август).

Қарорга мувофиқ, мактабларга қўшимча квота бўйича қабул мактабларнинг имкониятидан келиб чиқиб, тегишли микроҳудуд бўйича асосий квотага тушмаган болалар учун амалга оширилиши белгиланди.

Илгари қўшимча квота – мактабларнинг имкониятидан келиб чиқиб, микроҳудуддан ташқарида истиқомат қилаётган мактаб ёшидаги, микроҳудуд ва микроҳудуддан ташқари мактаб ёшига етмаган (тегишли йилнинг 1 сентябрига қадар 6 ёшга тўладиган), шунингдек, мактабларда таълим бериш тили бўйича бошланғич билим (мулоқот қилиш) кўникмасига эга бўлмаган болалар учун ажратилар эди.

Эндиликда, болаларни мактабларга қўшимча квота асосида қабул қилиш мактаб директорлари томонидан амалга оширилади.

Илгари бу жараён Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилар эди.

Болаларни мактабларга қўшимча квота бўйича қабул қилиш 10 августдан 31 августга қадар амалга оширилиши белгиланди.

Шунингдек, мактабларга болаларни қўшимча квота бўйича қабул қилишда ундириладиган тўлов бекор қилинди.

Илгари қўшимча квота бўйича мактабларга қабул қилиш учун бир болага нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлмаган миқдорда йиғим ундирилиши назарда тутилган эди.

242 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Юксакларда ҳилпирар юртим байроғи](#) [3]
- [Ўзбекистон Қуролли Кучлар академиясига Хитой Миллий Мудофаа университети раҳбари бошчилигидаги делегация ташриф буюрди](#) [4]
- [Қуролли Кучлар Кичик мутахассислар тайёрлаш марказига Қозоғистон ҳарбий делегацияси ташриф буюрди](#) [5]
- [Президент ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши тузилди](#) [6]
- [Сурхондарё вилоятида Президент топшириғи ижроси юзасидан Мудофаа вазирлиги вакиллари иштирокида ишчи йиғилиш ўтказилди](#) [7]
- [Фуқаролик жамияти институтлари қандай ишламоқда?](#) [8]
- [Истеъмолчилар ҳуқуқуни ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларига оид хорижий давлатлар тажрибаси](#) [9]
- [Газетамизнинг янги форматдаги 44 сони нашрдан чиқди](#) [10]
- [Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш: асосий йўналишлар ва янгиликлар](#) [11]
- [Бош вазир номзоди қандай тасдиқланади?](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/4956>

Ссылки

[1] <http://insonvaqonun.uz/print/4956>

[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4956>

[3] <http://insonvaqonun.uz/node/5112>

[4] <http://insonvaqonun.uz/node/5107>

[5] <http://insonvaqonun.uz/node/5103>

[6] <http://insonvaqonun.uz/node/5101>

[7] <http://insonvaqonun.uz/node/5099>

[8] <http://insonvaqonun.uz/node/5090>

[9] <http://insonvaqonun.uz/node/5088>

[10] <http://insonvaqonun.uz/node/5082>

[11] <http://insonvaqonun.uz/node/5078>

[12] <http://insonvaqonun.uz/node/5074>